

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
УКД 657.6

*«Ҳимояга қўйилади»*  
*Бухгалтерия ҳисоби ва аудит*  
*кафедраси мудири, и.ф.д., проф.*  
*Уразов К.Б. \_\_\_\_\_*  
*« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2014 йил*

**Усманова Лейла Искандаровнанинг**

**«Қурилиш ташкилотларида харажатлар  
АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(SEVILQURILISHTRANSSEVIS» ХК мисолида)**

5A230902 - "АУДИТ" мутахассислиги бўйича магистр академик  
даражасини олиш учун ёзилган

***МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ***

**Илмий раҳбар: и.ф.н., доц.Тойиров А.Т.**

**САМАРҚАНД - 2014**

## КИРИШ

Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда қурилиш тармоғи муҳим ўрин тутади. Чунончи, ушбу тармоқ халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларига киритишга мўлжалланган инвестицияларни ҳақиқатда рўёбга чиқаришда бевосита иштирок этади. Қурилиш тармоғининг ўрни ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришнинг моддий техника базасини яхшилашда, модернизация қилишда, техник ва технологик жиҳатдан янгилашда беқиёсдир. Шу боис ҳам бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда қурилиш тармоғини раванқ топтириш, унинг моддий-техника базасини тубдан яхшилаш, ушбу тармоқ субъектларига янги техника ва технологияларни киритиш, ўз навбатида, ўта долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

**Мавзунинг долзарблиги.** Қурилиш тармоғи халқ хўжалигининг бошқа тармоқ ва соҳаларидан турли жиҳатлари бўйича фарқ қилади. Ушбу фарқли жиҳатлар уларни бошқариш учун керакли бўлган ахборотларни йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш, жамлаш ва узатиш воситаси бўлган бухгалтерия ҳисобига ҳам ўз таъсирини ўтказиши табиий ҳол. Бундай фарқли жиҳатларни уларнинг харажатларида ҳам кўриш мумкин. Айнан шулар қурилиш ташкилотларида харажатлар аудитининг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганишни тақозо этади. Бу эса мазкур мавзунинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканлигини англатади. Эътиборларингизга ҳавола этилаётган ушбу курс ишида қурилиш тармоғига тегишли хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, уларнинг техник, технологик, иқтисодий ва бошқа жиҳатдан мавжуд бўлган хусусиятлари, ушбу хусусиятларнинг харажатларни аудит қилишдаги таъсири кўрсатиб берилган. Алоҳида эътибор қурилиш ташкилотларида бажарилган қурилиш ишларига кетган бевосита материал ва

меҳнат харажатлари, ёрдамчи ишлаб чиқариш ва бошқа умумишлаб чиқариш устама харажатлари аудити хусусиятларига қаратилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Қурилиш ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг назарий ва ташкилий масалалари юртимиз иқтисодчи олимларидан М.М. Тўлаходжаева, К.Б.Уразов, Ҳ.Н.Мусаев, А.Каримов, Р.Дўстмуродов, С. Вохидов, С.Н.Тошназаровларнинг тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган. Бироқ, мазкур ишларда бевосита қурилиш ташкилотларида харажатлар аудитнинг назарий ва методологик муаммолари етарли даражада ёритиб берилмаган.

**Курс ишининг мақсади** қурилиш ташкилотларида харажатлар аудитининг ҳолатини ўрганиш ва унинг услубиётини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилган.

**Курс ишининг объекти.** “Севил қурилиш транс сервис” хусусий корхонаси курс иши тадқиқот объекти ҳисобланади.

**Ишнинг таркибий қисми.** Мазкур иш кириш, 2 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар қисмларидан иборат.

Ишнинг биринчи бобида қурилиши ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, уларда харажатларнинг аудит объекти сифатидаги тавсифи очиб берилган.

Ишнинг иккинчи боби қурилиш ташкилотларида харажатлар аудитининг ташкилий ва методологик масалаларини ёритиб беришга қаратилган.

Ишнинг хулоса ва таклифлар қисмида ишнинг якуни бўйича қилинган хулосалар ва таклифлар келтирилган.

# **I БОБ. ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1 Қурилиш ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва уларда харажатларнинг аудит объекти сифатидаги таснифи ва тавсифи**

Қурилиш ташкилотлари иқтисодиётнинг муҳим тармоғи қуйи бўғинини ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланган халқ хўжалиги тармоқлари классификаторига мувофиқ қурилиш ташкилотларининг алоҳида турларига 60000 дан 690000 гача бўлган тармоқ кодлари ажратилган.

Қурилиш ташкилотларини хўжалик юритувчи субъектлар сифатида турли белгилари бўйича таснифлаш мумкин<sup>1</sup>.

Мулкий шакли ва юридик мақомига кўра қурилиш ташкилотлари очик акциядорлик жамиятлари (ОАЖ), масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ), хусусий корхоналар (фирмалар) ва давлат унитар корхоналари бўлиши мумкин. Ушбу мақомдаги қурилиш ташкилотларини тузиш ва улар фаолиятини юритиш республикамизда бу турдаги хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари, шунингдек ушбу ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Номланишига кўра ҳам қурилиш ташкилотлари турличадир. Чунончи, уларнинг энг кенг тарқалган номи бўлиб ҳаракатланувчи механизациялашган колонна ҳисобланади. Қурилиш ташкилотларига бундай номни берилиши негизида уларнинг қурилиш, қурилиш монтаж ва бошқа ишларга доир ўз фаолиятини бевосита буюртма берилган жойларда махсус ҳаракатланувчи техник воситалар, машина ва механизлар ёрдамида амалга оширишлари ётади. Бундан ташқари қурилиш тармоғида хусусий қурилиш фирмаси, шўба қурилиш корхонаси, қурилиш компанияси, қурилиш трести каби номлардаги хўжалик юритувчи субъектлар ҳам мавжуд.

---

<sup>1</sup> Уразов К.Б. Қурилиш ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Маъруза матнлари. Самарқанд 2007 й.

Фаолият юритиш доирасига кўра қурилиш ташкилотлари тармоқ ва тармоқлараро қурилиш ташкилотларига бўлинади. Тармоқ қурилиш ташкилотлари халқ хўжалигининг алоҳида олинган тармоқларида ўз фаолиятини юритадилар.

Ихтисослашганлигига кўра қурилиш ташкилотлари махсус ва универсал ташкилотлар бўлиб ҳисобланади. Масалан, қурилиш ташкилотларининг метро қурилиши, уй қурилиши, йўл қурилиши, кўприк қурилиши ва бошқа шу каби махсус ихтисослашган турлари мавжуд. Айрим қурилиш компаниялари (трестлари) кўп тармоқли, яъни универсал ташкилотлар бўлиб ҳисобланади.

Ходимларининг сонига кўра қурилиш ташкилотлари микрофирмалар, кичик корхоналар, ўрта ва йирик корхоналарга бўлинади. Республикамизнинг қонун ҳужжатларига кўра қурилиш тармоғида микрофирмалар бўлиб ходимларининг сони 20 тагача, кичик корхоналар бўлиб ходимларининг сони 50 тагача, ўрта корхоналар бўлиб ходимларининг сони 100 тагача ва йирик корхоналар бўлиб ходимларининг сони 100 дан ошиқ бўлган корхоналар ҳисобланади.

Таъсисчиларининг таркибига кўра қурилиш ташкилотларини маҳаллий ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бўлиш мумкин. Хорижий инвестициялар иштирокидаги қурилиш ташкилотлари устав капиталининг миқдори энг камида 150000 АҚШ доллари миқдорида бўлиши лозим. Ушбу устав капитали миқдори маҳаллий ва хорижий таъсисчилар маблағларидан ташкил топади.

Қурилиш ишларини бажаришдаги ўрнига кўра қурилиш ташкилотлари бош пудратчи ва субпудратчи ташкилотларга бўлинади.

Бош пудратчи ташкилот – бу буюртмачи билан қурилиш, қурилиш-монтаж ва бошқа ишларни олиб бориш бўйича асосий шартномани тузган ҳамда унинг бажарилишини тўлиқ ўз зиммасига олган қурилиш ташкилоти.

Субпудратчи ташкилот – бу бош пудратчининг буюртмачига бажариб бериши лозим бўлган қурилиш, қурилиш-монтаж ва бошқа ишларнинг бир

қисмини бош пудратчи билан тузилган шартномага асосан бажариб берувчи ташкилот.

Танлаган солиқ режимига кўра қурилиш ташкилотлари умумбелгиланган ва ихчамлаштирилган солиқ режимларида ишловчи корхоналарга бўлинади. Республикамизнинг солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ микрофирма ва кичик корхоналар ҳисобланган қурилиш ташкилотлари ихчамлаштирилган солиқ тўлови режимида ишлаши мумкин. Йирик ва ўрта қурилиш ташкилотлари, одатда, умумбелгиланган солиқларни тўловчилари бўлиб ҳисобланадилар.

Қурилиш ташкилотлари фаолияти республикамизнинг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ асосий ва асосий бўлмаган фаолият турларига бўлинади. Асосий фаолиятга буюртмачилар учун бажарилган қурилиш, қурилиш-монтаж ишлари, жиҳозларни ўрнатиш, реконструкция, кенгайтириш, ободонлаштириш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари, шунингдек ўз мақсадларида фойдаланиш ва сотиш учун мўлжалланган қурилиш материаллари ва мосламаларини ишлаб чиқиш ва шу каби бошқа ишлар қиради. Асосий бўлмаган фаолиятга қурилиш ташкилотларининг молиявий, инвестиция ва бошқа фаолият турлари қиради.

Қурилиш ташкилотлари асосий фаолиятига қирувчи ишларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга.

Қурилиш ишлари деганда янги бино ва иншоатларни яратилиши билан боғлиқ жараёнлар мажмуаси тушунилади. Янги бино ва иншоатларни яратилиши ўз ичига лойиҳалаштириш, қуришга тайёргарлик, таъминот, қуриш, фойдаланишга топшириш каби жараёнларни олади. Ҳар бир жараён қурилишга доир маълум ишлардан ташкил топади ва ўзининг пировард натижасига эга бўлади.

Қурилишнинг лойиҳалаштириш жараёнида янги бино ва иншоатларни қуришнинг техник, технологик, геодезик, топографик ва барча бошқа жиҳатлари ўрганилади, уларнинг аниқ параметрлари ва ўлчамлари белгиланади. Қурилиш лойиҳаси, одатда, махсус лойиҳалаштириш

муассасалари (институтлар) томонидан буюртмачи билан тузилган шартномага асосан ишлаб чиқилади. Ишлаб чиқилган лойиҳа қуриладиган объект жойлашган ҳудуднинг шаҳарсозлик бош лойиҳаси талабларига зид бўлмаслиги лозим. Шу боис ҳам янги объектларни қуришдан олдин уларнинг лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг жойлардаги бошқармалари ва бўлимлари томонидан кўриб чиқилади ва маъқулланади. Лойиҳалаштириш жараёнининг натижаси бўлиб янги қуриладиган объектнинг барча техник-иқтисодий параметрларини ифодаловчи лойиҳаси ва қуриш сметаси ҳисобланади. Қуриш сметасида объектни қуриш билан боғлиқ барча ишларнинг ҳажми, уларнинг белгиланган меъёр ва тартибларга мувофиқ ҳисобланган қиймати кўрсатилади. Лойиҳа қиймати пудратчи ва буюртмачи ўртасида тузиладиган шартнома қийматини белгилашга асос бўлади.

Қуришга тайёргарлик ва унинг таъминот жараёни буюртмачи ва пудратчи томонидан амалга ошириладиган маълум ишлардан ташкил топади. Бу ишларни бажариш бўйича томонларнинг мажбуриятлари тузилган шартномада ўз аксини топади. Масалан, буюртмачи бу жараёнда ўз зиммасига қуриш учун керакли бўлган материалларни пудратчига етказиб бериш, олдиндан тўлов суммасининг келишилган қийматини (лойиҳа қийматининг 15 фоиздан кам бўлмаган қисмини) қурувчи ташкилотнинг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш кабиларни олади. Пудратчи ташкилот қуриш учун керакли техника ва жиҳозларни қурилиш майдончасига етказиш, уларни қуриш ишлари учун тайёрлаш ва шу каби мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Объектни қуриш жараёни қурилишнинг титул рўйхатида кўрсатилган ишларни босқичма-босқич лойиҳани бажариш жадвалига (графигига) мувофиқ амалга оширишдан иборат бўлади. Қурилиш объектларининг битказилган, лекин буюртмачига ҳали топширилмаган қисми тугалланмаган ишлаб чиқариш (қурилиш ишлари) ҳисобланади.

Қурилган объектни фойдаланишга топшириш қурилишнинг якуний жараёнидир. Бу жараён қурилишга доир лойиҳадаги барча ишлар тугатилгач, тузилган махсус комиссия томонидан амалга оширилади ва мос равишда «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжат имзоланган ва тасдиқлангандан сўнг қурилган объект пудратчи учун бажарилган (сотилган) иш, деб ҳисобланади.

Қурилиш ишлари ўз ичига монтаж ишларини ҳам олади. Шу боис биргаликда олиб борилган ушбу ишлар қурилиш-монтаж ишлари ҳам деб аталади.

Жиҳозларни ўрнатиш ишлари деганда жиҳозлар, ускуналар ва бошқа конструкцияларни йиғиш, ўрнатиш ва фойдаланишга тушириш билан боғлиқ ишлар мажмуаси тушунилади. Чунончи, бино ва иншоатларни қуришда бажариладиган жиҳозларни ўрнатиш ишлари таркибига кўтариш-тушириш қурилмалари (лифт, эскалатор ва бошқалар)ни, иситиш, совутиш, ёритиш, сув бериш, хавони алмаштириш, санитария-гигиена техникаси қурилмаларини ўрнатиш, йиғиш, ўтказиш, изоляция қилиш ва шу каби бошқа ишлар киритилади.

Кенгайтириш деганда пудрат шартномасига кўра буюртмачиларнинг ҳаракатдаги бино ва иншоатларига қўшимча ишлаб чиқариш объектларини қуриш, асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи цехларнинг майдончаларини ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида кенгайтириш билан боғлиқ ишлар тушунилади. Кенгайтириш ишларига шунингдек буюртмачилар узоқ муддатли активлари таркибига киритиладиган ва алоҳида балансга ажратилмайдиган филиаллари ва ишлаб чиқариш бўлинмаларини қуриш ҳам киритилади. Кенгайтириш ишлари худди янги қурилиш сингари лойиҳадаги барча ишлар тугатилгач, пудратчи томонидан буюртмачига «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» асосида топширилади. Ушбу ҳужжат

имзоланган ва тасдиқлангандан сўнг кенгайтиришга доир ишлар пудратчи ташкилот учун бажарилган (сотилган) деб ҳисобланади.

Реконструкция деганда пудрат шартномасига кўра буюртмачиларнинг ҳаракатдаги асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи объектларини дастлабки ҳолатини кенгайтирмасдан қайта ўзгартириб чиқиш тушунилади. Реконструкциядан асосий мақсад бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг техник-иқтисодий даражасини илмий-техника тараққиёти ютуқлари асосида кўтариш;
- ҳаракатдаги ишлаб чиқариш объектлари қувватини ошириш;
- ишчи ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш;
- техник бўғинлардаги диспропорцияларни йўқотиш.

Реконструкция ишлари лойиҳадаги барча ишлар тугатилгач, пудратчи томонидан буюртмачига «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» асосида топширилади. Ушбу ҳужжат имзоланган ва тасдиқлангандан сўнг реконструкция ишлари пудратчи ташкилот учун бажарилган (сотилган) иш деб ҳисобланади

Ободонлаштириш деганда пудрат шартномасига кўра буюртмачиларга уларда фойдаланишда бўлган ер майдончаларининг кўринишини яхшилаш, ер ости ўтказмаларини қуриш, транспорт воситаларини тўхтаб туриш жойларини ташкил қилиш, ер майдончаларини темир панжаралар билан ўраш, юриш йўлкаларини қуриш каби ишлар тушунилади. Ободонлаштириш ишлари бошқа ишлар сингари лойиҳадаги барча ишлар тугатилгач, пудратчи томонидан буюртмачига «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» асосида топширилади. Ушбу ҳужжат имзоланган ва тасдиқлангандан сўнг ободонлаштириш ишлари пудратчи ташкилот учун бажарилган (сотилган) деб ҳисобланади.

Таъмирлаш ишлари деганда пудрат шартномасига кўра буюртмачиларга асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган объектларни техник-ишлаб чиқариш ҳолатини ишчи ҳолатда ушлаб туриш, уларнинг техник-

иқтисодий даражасини сақлаш мақсадларида бажарилган ишлар тушинилади. Бу ишлар, одатда, буюртмачилар бино ва иншоотларининг миқдорий ҳажмини кенгайтирмайди. Бироқ, таъмирлаш ишлари буюртмачиларда меҳнат шароитларини, атроф муҳит муҳофазани яхшилашга имкон беради. Таъмирлаш ишлари бошқа ишлар сингари шартнома назарда тутилган барча ишлар тугатилгач, пудратчи томонидан буюртмачига «Бажарилган ишлар (килинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счё-т-фактура» асосида топширилади. Ушбу ҳужжат имзоланган ва тасдиқлангандан сўнг таъмирлаш ишлари пудратчи ташкилот учун бажарилган (сотилган) деб ҳисобланади.

Шундай қилиб, қурилиш ташкилотлари томонидан халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун бажариладиган қурилиш ишлари таркиби жуда ҳам турли-тумандир. Уларнинг асосийларига қуйидагилар киради:

- қурилиш титул рўйхатига киритилган бино ва иншоотларни қуришга доир барча ишлар, улар билан боғлиқ бўлган темир-бетон металллар, ёғоч ва бошқа қурилиш конструкцияларини ўрнатиш ва монтаж ишлари, минорали ва бошқа кранлар учун кран ости йўллари қуриш ва бузиш ишлари;

- газ, сув, электр энергияси, иссиқлик, канализация, ҳавони тозалаш таъминотига доир ишлар;

- нефть ва газ қувурларини ётқизиш, электр қуввати ва алоқа линиялари кабелларини ётқизиш ва ўтказиш ишлари;

- кўприк, йўл, сув ости-техник тоннелларини қуриш ва ўтказиш ишлари;

- санитария-гигиена техникаси ва жиҳозларини ўрнатиш ишлари;

- бино, иншоат ва ускуналарга асос (фундамент) ва таянч конструкцияларини ўрнатиш, қозон печ ва бошқа агрегатлар атрофига қопламалар ясаш ишлари;

- қуриш учун ер майдонларини тайёрлаш, тозалаш, эски бута ва дарахтларни кесиш ва олиб ташлаш, ковлаш, ерни қуриштириш ва лойиҳада белгиланган кўринишга етказиш ишлари;

- шаҳар ва қишлоқ жойлари ҳудудларини кўкаламзорлаштириш ҳамда ободонлаштиришга доир қурилиш ишлари;
- сув чиқариш, уларни оқиш қувурларини ўрнатиш ишлари;
- эрозия, сел кўчмаларига қарши ва бошқа табиатни муҳофаза қилиш иншоотларини қуриш, қирғоқларни мустаҳкамлаш ва ботқоқларни қуритиш ишлари;
- қурилишига алоқадор пармалаш, шурфлаш, сувни тортиб олиш ва шу каби бошқа геологик ва гидрогеологик ишлар.

Қурилиш ташкилотларининг асосий фаолиятига кирувчи ушбу ишлар уларнинг хусусиятларига кўра лицензиялаштириладиган ва лицензиялаштирилмайдиган турларга бўлинади. Масалан, мудофаа объектларини, кўприк ва тоннелларни, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини, баландликларда жойлашган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш ва таъмирлаш ишлари лицензиялаштириладиган фаолият ҳисобланади. Бундай қурилиш ишлари билан шуғулланиш учун лицензия фақат махсус ихтисослашган қурилиш ташкилотларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилади. Махсус лойиҳалаштиришни талаб қилмайдиган ва лицензия олиш лозим бўлмаган қурилиш, қурилиш-монтаж, ободонлаштириш, кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари билан барча турдаги қурилиш ташкилотлари шуғулланишлари мумкин.

Қурилиш ташкилотлари ва буюртмачилар ўртасида қурилиш ишларига доир пудрат шартномаларини тузишда ҳозирги пайтда тендер (танлов) усули кенг тарқалган. Чунончи, давлат бюджетидан марказлаштирилган тарзда молиялаштириладиган қурилиш объектлари (мактаблар, лицейлар, коллежлар, ҳарбий қисмлар, шифохоналар ва бошқалар) бўйича пудрат шартномаларини тузиш махсус «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари орқали танлов савдолари асосида амалга оширилмоқда. Ушбу танлов савдоларида барча мулкӣ ва ташкилий-ҳуқуқӣ турдаги қурилиш ташкилотлари қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Бунинг учун улар инжиниринг

компанияларига танлов савдосида қатнашиш бўйича оферталар (таклифлар)ни киритишлари ҳамда тегишли танлов ҳужжатларини тақдим этишлари лозим. Танлов савдосида қатнашиш учун қурилиш ташкилотлари «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари томонидан қўйилаётган қуйидаги талабларга мос келишлари лозим:

- ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга эга бўлишлари;
- танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаш тажрибаси ва кўникмаларига эга бўлишлари;
- шартнома тузиш юзасидан фуқоралик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга, ўзаро ишончга эга бўлишлари;
- танловга қўйилган объект қурилишини олиб бориш учун марказлаштириладиган маблағлардан ташқари ўз маблағларига эга бўлишлари;
- бюджет олдида боқиманда қарзларга эга бўлмаслиги;
- жорий мажмуриятлар бўйича тўлов қобилиятига эга бўлишлиги ва бошқалар.

«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари орқали танлов савдолари асосида амалга ошириладиган қурилиш ишларига доир пудрат шартномалари қурилиш ишлари режаларига киритилган ҳамда улар учун белгиланган тартибда тасдиқланган титул рўйхатларига мувофиқ ҳолда тузилади.

Бош пудратчи қурилиш ишларининг ҳажми ва хусусиятларига кўра инжиниринг компаниялари розилиги билан алоҳида ишларни амалга оширишлари учун ўзларининг субпудратчиларини белгилашлари ҳам мумкин. Ушбу ҳолда бош пудратчи ва субпудратчилар ўртасидаги муносабатлар тузилган субпудрат шартномалари асосида белгиланади.

Қуриладиган объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари (титул рўйхати, ускуна, материал ва буюмларни етказиб бериш жадвали, молиялаштириш графиги ва бошқалар) тузилган пудрат шартномасининг таркибий

элементлари бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳужжатларга амал қилиш ва уларда кўрсатилган шартларни бекаму-кўст бажарилишини таъминлаш буюртмачилар ҳамда қурилиш ташкилотларининг бевосита мажбуриятлари ҳисобланади.



**1-чизма. Қурилиш ташкилотлари харажатларининг таснифи**

## **1.2 Қурилиш ташкилотларида харажатлар аудитининг мақсади ва вазифалари**

Харажатлар қурилиш ташкилотлари молиявий – хўжалик фаолияти аудитининг муҳим объектларидан бири ҳисобланади. Қурилиш ташкилотларида харажатлар аудитининг асосий мақсади – молиявий ҳисоботда харажатларга доир ахборотларнинг ишончилиги тўғрисида фикрни шакллантириш ҳамда қурилиш ташкилотларида харажатлар билан боғлиқ операцияларни ҳисобга олиш ва солиққа тортиш методикасини ташкил этишнинг Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлигини текширишдан иборат.

Бозор муносабатларининг шаклланиши билан турли мулкчиликка асосланган ишлаб чиқариш корхоналари вужудга келади ва улар баробар ривожланадилар. Бу корхоналар, хусусий корхоналар, акционерлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар шаклларида ташкил этилади. Бундай шароитда корхоналарни ҳукумат томонидан, шунингдек, мулкдорлар томонидан бошқариш бир қадар мураккаблашади. Бу ўз навбатида улар фаолиятини амалдаги ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатларга мос равишда, шунингдек, иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда юритилаётганлигини аниқловчи ва бу борада йўл-йўриқ кўрсатувчи махсус аудиторлик хизматига эҳтиёж туғдиради.

Шу муносабат билан сунги йилларда республикамизда аудиторлик фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш буйича катор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига мувофиқ 2000 йил 26 майда янги тахрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» қонун қабул қилинди. Республикамиздаги юзага келаётган реал иқтисодий шароитни инобатга олиб аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий – меъёрий асослари йилдан йилга такомиллаштирилиб борилмоқда.

Хўш курилиш ташкилотларида харажатлар аудити деганда нимани тушунмоқ керак. Бунинг учун дастлаб «аудит» атамасининг меъёрий ҳужжатларда ва илмий адабиётларда ёритилишига тўхталиб ўтсак.

Аудиторлик фаолиятининг таърифи Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги «Аудиторлик фаолияти туғрисида»ги қонунида қуйидагича келтирилган: «Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини утказиш ва бошқа шу билан боғлиқ профессионал хизматлар курсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади»<sup>2</sup>.

Аудитнинг таърифи илмий адабиётларда турлича баён қилинган. Масалан, профессор М.М.Тулахужаеванинг фикрича: «Аудит – бу муस्ताкил малакали мутахассислар томонидан корхонанинг молиявий ҳисоботини ёки у билан боғлиқ молиявий ахборотни ушбу ҳисобот ёки ахборотнинг қонун ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқлик даражаси туғрисида ҳулоса чиқариш мақсадида тадқиқ этилишидир»<sup>3</sup>.

Институтимиз иқтисодчи олимлари ҳам аудитнинг назарий ва услубий жиҳатдан ривожланишига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Бу борада профессорлар Ҳ.Н.Мусаев, К.Б.Уразовлар олиб борган тадқиқотлар диққатга сазовордир. Улар томонидан аудитга бағишланган бир қатор дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва илмий мақолалар чоп қилинган.

Проф. Ҳ.Н.Мусаев ўзининг «Аудит» номли дарслигида: «Аудит-бозор муносабатларидан келиб чиққан бўлиб, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг маълум мезонларга мослигини текшириш орқали баҳолаш ва ҳолисона ҳулосалар беришдир»<sup>4</sup>, деб таърифланган бўлса, проф. К.Б.Уразов аудитни қуйидагича таърифлаган: «Аудит - бу хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятини давлат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатлари нуқтаи назаридан қонунлар ва бошқа меъёрий

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти туғрисида»ги Қонуни (янги тахрири). Олий Мажлисининг 2-чақириқ 2-сессиясида қабул қилинган. 26 май 2000 й. // Халқ сузи, 2000 йил 21-сон.

<sup>3</sup> Тўлахўжаева М.М. Ўзбекистон Республикасида Молиявий назорат тизими. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998, 94-бет.

<sup>4</sup> Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Дарслик. – Т.: Молия, 2003, 19-бет.

хужжатларга мос келишини ички ва ташқи назоратдан ўтқозиш, таҳлил ва экспертиза қилиш, шунингдек консалтинг ва бошқа турдаги касбий хизматларни кўрсатиш тизими»<sup>5</sup>.

Юқорида келтирилган таърифлар бир-бири билан айнан мос келмасида уларнинг барчасида таъкидланган умумий жиҳатлар мавжуд. Бундай жиҳатлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- барча таърифларда аудит объекти бўлиб, корхоналар хўжалик фаолияти эканлиги, яъни аудит хўжалик фаолиятини текшириш эканлиги таъкидланган;

- барча таърифларда аудит хўжалик фаолияти ва уни акс эттирувчи ахборотларнинг меъёрий хужжатларга мослигини текшириш эканлиги таъкидланган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, адабиётларда ёки меъёрий хужжатларда қурилиш ташкилотларида харажатларнинг аудитига алоҳида таъриф берилмаган. Юқорида аудитга берилган таърифлардан келиб чиқиб, бизнингча, қурилиш ташкилотларида харажатлар аудитини қуйидагича таърифлаш мумкин: Қурилиш ташкилотларида харажатлар аудити деганда корхоналарда юз берган харажатлар билан боғлиқ жараёнлар ва бу жараёнларни акс эттирувчи маълумот манбаларини давлат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатлари нуқтаи назаридан қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларга мос келишини ички ва ташқи назоратдан ўтқозиш, таҳлил ва экспертиза қилиш, шунингдек харажатлар ҳисобини ташкил этиш ва хужжатлаштириш борасида консалтинг ва бошқа турдаги касбий хизматларни кўрсатиш тизими тушунилади.

Қурилиш ташкилотларида харажатлар аудитининг асосий мақсади харажатлар ҳисобини юритишнинг республикамизда амалда бўлган қонун ва қонун ости хужжатларига мослигини, уларнинг молиявий ҳисоботларда тўғри акс эттирилганлигини аниқлашдан иборат.

---

<sup>5</sup> Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. 2-қисм. Маъруза матни. – Самарқанд, СамИСИ, 2004, 141-бет.

Харажатлар аудити кенг қамровли жараён ҳисобланиб, қўйилган мақсадга қаратилган бир қатор вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган. Ушбу вазифалар мавжуд адабиётларда тарқоқ ҳолда келтирилган бўлиб, харажатларни аудит қилиш тартибини белгилашда маълум мавҳумликларни вужудга келтиради. Шу боис, қурилиш ташкилотларида харажатлар аудитини ташкил этишда, аниқ мақсадга эришишга қаратилган вазифаларни қўйидаги гуруҳлар бўйича таснифлашни мақсадга мувофиқ деб топдик:

1. Аудитнинг ташкилий-режалаштириш босқичи билан боғлиқ вазифалар. Ушбу гуруҳга харажатлар аудитини ташкил этиш ва режалаштириш жараёни билан боғлиқ қўйидаги вазифаларни киритиш мумкин:

- харажатлар бўйича аудит иш ҳажмини аниқлаш ва аудиторлик рискинни баҳолаш;
- аудиторлик текшируви қийматини аниқлаш ва аудиторлик текширувини амалга ошириш бўйича шартнома тузиш;
- аудиторлик текширувини вақт меъёрлари ва ишни бажарувчи масъул аудиторлар бўйича тақсимлаш ҳамда буларни аудиторлик режаси ва дастурида белгилаб қўйиш;
- аудитнинг ўз вақтида бошланиши ва тегишли тартибда амалга оширилишини назорат қилиш;

2. Аудитни ўтказиш босқичи билан боғлиқ вазифаларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- қурилиш ташкилотларида харажатлар устидан назоратни тўғри ўрнатиш, харажатларнинг жавобгарлик марказлари бўйича тўғри тақсимланганлиги тўғрилигини, харажатларнинг тўғри таснифланишини, харажатлар бўйича аналитик ва синтетик ҳисоб ҳамда ҳисобот маълумотларининг мослигини текшириш;
- қурилиш ташкилотларида харажатларга доир операцияларни дастлабки ҳужжатлаштириш ҳамда ҳисобда акс эттириш, синтетик ҳисоб регистрларида, молиявий ҳисоботда акс эттирилиши, солиққа тортилишини кўриб чиқиш;

3. Аудит натижаларини расмийлаштириш ва таҳлилий босқич билан боғлиқ вазифалар. Ушбу гуруҳдаги вазифаларга харажатлар аудитини яқунлаш, натижаларни умумлаштириш, расмийлаштириш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ қуйидагиларни киритиш мумкин:

- харажатлар аудити бўйича натижаларни якуний жадвалларда умумлаштириш ва ўрганиб чиқиш;

- аудит натижаси бўйича аниқланган камчиликлар тўғрисида буюртмачига дастлабки ахборот бериш;

- аудит натижалари бўйича белгиланган шаклда аудиторлик ҳисоботини ва хулосасини тайёрлаш;

- аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ва ижро этиш учун корхона раҳбариятига тақдим этиш;

Қурилиш ташкилотларида харажатларнинг аудити аудиторлик фаолияти миллий стандарт (АФМС) лари асосида тартибга солинади. Харажатлар бўйича АФМС ларнинг қисқача мазмуни қуйидаги жадвалда ифодаланди.

**1-жадвал.**

**Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган аудиторлик фаолиятининг миллий стандарт (АФМС)лари ва харажатлар аудити бўйича уларнинг қисқача мазмуни.**

№	Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари.	ЎЗР МВ тасдиқланган сана ва тартиб рақами.	ЎЗР АВ да рўйхатга олинган сана ва тартиб рақами.	АФМС нинг кучга кирган санаси.	Даромадлар аудити бўйича АФМСнинг қисқача мазмуни.
1	3-сон АФМС “Аудитни режалаштириш”.	14.10.1999 №54	10.11.1999 №837	01.01.2000	Харажатлар аудитини ташкил этиш ва режалаштириш тартиби белгилаб берилган.
2	5-сон АФМС “Аудитор иши сифатини назорат қилиш”.	04.08.1999 №62	03.09.1999 №811	01.01.2000	Харажатлар бўйича аудит жараёнининг сифатини назорат қилиш ва аудитор ҳамда унинг ёрдамчисининг фаолиятига баҳо бериш имконини беради.
3	6-сон АФМС “Аудитни хужжатлаштириш”.	04.08.1999 №61	03.09.1999 №812	01.01.2000	Харажатлар аудитини ташкил этиш, режалаштириш, ўтказиш ва натижаларини расмийлаштириш жараёнини хужжатлаштириш шакли ва тартибини белгилаб беради.

4	9-сон АФМС “Муҳимлилик ва аудиторлик риси”.	04.08.1999 №63	03.09.1999 №813	01.01.2000	Аудит жараёнида аудитор тамонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар rischi ва уни баҳолаш масалалари ёритилган.
5	10-сон АФМС “Молиявий ҳисобот таркибидаги бошқа маълумотлар”.	09.09.1999 №75	23.09.1999 №822	01.01.2000	Харажатлар доир бошқа ахборотларнинг молиявий ҳисоботда акс эттирилиш ва аниқланиш тартиби келтирилган.
6	11-сон АФМС “Компьютерда ишланган маълумотларнинг аудити”.	09.09.1999 №76	23.09.1999 №823	01.01.2000	Бухгалтерия ҳисобининг компьютерлаштирилган шаклида харажатлар аудитини ўтказиш ва аудиторлик далилларини жамлаш тартибини келтиради.
7	12-сон АФМС “Аудиторлик текшируви жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш”.				Харажатлар аудитида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш мезонлари белгилаб берилган.
8	13-сон АФМС “Таҳлилий тадбирлар”.	04.08.1999 №64	03.09.1999 №814	01.01.2000	Аудит натижаларини умумлаштириш босқичида харажатлар бўйича жамланган далилларни таҳлил қилиш амаллари баён қилинган.
9	14-сон АФМС “Аудиторлик танлаш”.	27.07.1999 №59	03.09.1999 №8154	01.01.2000	Аудит жараёнида айрим объектларни танлаб текшириш тартиби.
10	16-сон АФМС “Эксперт ишидан фойдаланиш”.	27.07.1999 №60	03.09.1999 №816	01.01.2000	Харажатларни аудит қилиш зарурат туғулганда учунчи шахс, яъни эксперт ишидан фойдаланиш тартибини белгилаб берилди.
11	24-сон АФМС “Молиявий ҳисоботнинг бузиб кўрсатилганда аудиторлик ташкилотининг иш тутиши”.	31.05.2001 №49	30.06.2001 №1045	10.07.2001	Молиявий ҳисоботда харажатлар бўйича ахборотларни акс эттиришда кўрсаткичларни бузиб фойдаланиш ҳоллари аниқланганда аудитор ва аудиторлик ташкилоти қилиши лозим бўлган ишлар тавсия этилган.
12	25-сон “Аудиторлик текшируви ўтказиш-да норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини текшириш”.	27.01.2003 №14	28.02.2003 №1223	10.03.2003	Аудит жараёнида харажатларни ҳисобга олишда мамлакатимизда амалда бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниш ҳолатини текшириш ва баҳолаш тартиби белгилаб берилган.

13	31-сон АФМС “Хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан танишув”	30.05.2001 №48	21.06.2001 №1043	01.07.2001	Харажатлар аудитини бошлашда аудиторнинг субъект фаолияти билан танишиши учун аниқлаши ва ўрганиши зарур бўлган ахборотлар мажмуаси ифодаланган.
14	50-сон АФМС "Аудиторлик далиллари"	03.04.2002 №48	18.04.2002 №1128	29.04.2002	Харажатлар аудити бўйича исбот ва далилларни жамлаш тартиби белгиланган.
15	55-сон АФМС "Ўзаро боғлиқ шахслар ўртаси- даги битимлар бўйича аудитор- лик далилларини олиш таомиллари"	27.01.2003 №15	3.03.2003 №1224	10.03.2003	Харажатлар аудити бўйича ўзаро боғлиқ тамонлар ўртасидаги битимлар бўйича аудиторлик далилларини олиш босқичлари баён этилган.
16	56-сон АФМС “Молиявий ҳисобот тузилган санадан кейинги ходисалар”.	9.04.2003 №54	23.04.2003 №12	23.04.2003	Бунда молиявий ҳисобот тузилгандан кейин харажатлар бўйича аниқланган ҳодисалар ва уларни ҳисобга олиш мезонлари келтирилган
17	60-сон АФМС "Бошқа аудитор иши натижаларидан фойдаланиш"	27.01.2003 №16	20.02.2003 №1221	2.03.2003	Харажатларни аудит қилишда олдин ўтказилган аудиторлик текшируви натижаларини баҳолаш ва ундан фойдаланиш тартиби келтирилган.
18	70-сон АФМС “Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги молиявий ҳисобот”.	14.02.2001 №20	10.03.2001 №1016	20.03.2001	Харажатлар аудити натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш тартиби, аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тузиш ва тақдим этиш мезонлари, шартлари келтирилган.
19	80-сон АФМС “Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи”.	27.01.2003 №13	19.02.2003 №1220	1.03.2003	Махсус тематика асосида ўтказилган, шу жумладан фақатгина харажатлар ни текшириш натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботининг хусусиятилари ва тузиш тартиби баён қилинган.

## II БОБ. ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР АУДИТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

### 2.1 Қурилиш ташкилотларида харажатлар аудитининг режаси ва дастурини тузиш


Қурилиш ташкилотларида харажатлар аудитининг самарадорлиги энг аввало, ушбу жараён бўйича қилинадиган ишларнинг тўғри режалаштирилиши ва кетма-кет амалга оширилишига боғлиқ. Аудитни режалаштиришнинг мазмуни қўйилган мақсад ва уни бажариш учун белгиланган аниқ вазифалар мажмуасидан келиб чиқади. Қурилиш ташкилотларида харажатлар бўйича аудитни режалаштириш жараёни «Аудитни режалаштириш» номли 3-сон аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (АФМС) билан тартибга солинади. Аудит режасини ҳар томонлама оптимал тузмасдан сифатли аудиторлик текширувини ўтказиш мумкин эмас. Амалиётда аудитни режалаштириш жараёни аудиторлик ташкилоти билан хўжалик юритувчи субъект ўртасида шартнома тузилгунга қадар бошланади. Бу ҳолат кўп ҳолларда, агар миждоз билан шартнома тузилмаса, аудитни режалаштириш билан боғлиқ харажатлар қайси манбалар ҳисобидан маблағ билан таъминланиши тўғрисидаги саволни юзага келтиради. Кейинчалик шартнома тузилган ҳолда аудитни дастлабки режалаштиришга доир ишлар қиймати ўтказиладиган аудиторлик хизматининг умумий қийматига қўшилади, акс ҳолда у аудиторлик ташкилотининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши лозим. Режалаштириш аудиторлик текширувини бошлангич босқичи ҳисобланиб, аудиторлар режа тузулгунга қадар бевосита текширув жараёнини бошламасликлари лозим. 3-сон АФМСга мувофиқ<sup>6</sup> аудитни режалаштириш қуйидаги босқичларга бўлинади:

- а) аудитни дастлабки режалаштириш;
- б) аудитнинг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш;
- в) аудит дастурини тайёрлаш ва тузиш.

---

<sup>6</sup> 3-сон АФМС «Аудитни режалаштириш» Ўз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 10.11.1999 да 837-сон билан рўйхатга олинган, Ўз.Р Молия Вазирлиги томонидан 14.07.1999 да 54-сон қарори билан тасдиқланган

Ҳар қандай хўжалик субъектида, шу жумладан, қурилиш ташкилотларида харажатлар аудитини ўтказишда аудиторлик режасини тузиш мазкур стандартга асосан амалга оширилади. Масалан, йирик хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоботларини тасдиқлаш учун катта аудиторлик гуруҳи томонидан текширув ўтказилганида бундай кўп босқичли режалаштириш зарур. Агар аудиторлик ташкилотининг кўпчилик мижозлари кичик бизнес корхоналарига тааллуқли бўлса, у ҳолда унчалик катта бўлмаган тузатишлар киритилганида кўпчилик корхоналарни текшириш учун мос келадиган намунавий аудит режаси ишлаб чиқиш ва режалаштириш чоғида аудит дастурини батафсил тузишга махсус эътибор қаратиш зарур. Бундай намунавий режалар бир нечта бўлиб, улар бир-бирларидан турли фаолият йўналишига эга корхоналар учун фарқ қилиши мумкин. Хусусан, қурилиш ташкилотларида харажатлар аудитини режалаштиришда қурилиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини албатта ҳисобга олиш зарур. Шунингдек, аудитор қандайдир бошқа тамойиллар бўйича умумий намунавий режалар ҳам тузиши мумкин. Агар умумий аудит режаси сифатида намунавий режа танланса, у ҳолда режалаштириш чоғида асосий эътиборни аудит дастурини тузишга қаратиш зарур.



**2 - чизма Қурилиш ташкилотларида харажатлар аудитини режалаштириш жараёни**

Қурилиш ташкилотларида харажатлар аудитини режалаштириш аудиторлик гуруҳи раҳбари томонидан аудит ўтказишнинг умумий

тамойиллари каби, хусусий тамойилларига ҳам мувофиқ амалга оширилиши лозим.<sup>7</sup> Улар:

- режалаштиришнинг комплекслилик тамойили
- режалаштиришнинг узлуксизлик тамойили
- режалаштиришнинг оптималлик тамойили

Режалаштиришнинг комплекслилик тамойили қурилиш ташкилотларида харажатлар аудитининг дастлабки режасини тузишдан тортиб, то умумий режаси ва дастурини тузгунга қадар бўлган барча босқичларнинг ўзаро боғлиқлиги ва мувофиқлигини таъминлашни назарда тутди.

Режалаштиришнинг узлуксизлик тамойили аудиторлик текширувида иштирок этадиган аудиторлар ва уларнинг ёрдамчиларига топшириқлар белгилашда режалаштириш босқичининг муддатлари ҳамда таркибий бўлинмаларнинг боғлиқлигини ифодалайди.

Асосий воситалар аудитни режалаштиришнинг оптималлик тамойилининг мазмуни шундан иборатки, режалаштириш чоғида аудиторлик ташкилоти ўзи белгилаган мезонлар асосида қурилиш ташкилотларида харажатлар аудитининг умумий режаси ва дастуридан ўзи макбул билган вариантни танлаш имкониятига эга булиши зарур.

Аудитнинг умумий режаси: миждоз фаолияти билан танишиш, дастлабки режалаштириш, текшириладиган хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини баҳолаш, танлаш ҳажми ва аҳамиятлилик даражасини аниқлаш, аудит дастурини тайёрлаш, аудитни бевосита ўтказиш жараёни (дастурни бажариш), бажарилган ишлар натижаларини таҳлил қилиш, барча оралик ва умумий ҳужжатларни тайёрлаш, текширув натижаларини миждозга тақдим этиш ва ҳоказоларни ўз ичига олган ҳолда аудит ўтказишнинг барча босқичларини акс эттириши лозим. Стандартга мувофиқ, аудитор умумий режада қурилиш ташкилотларида харажатлар аудитини ўтказиш муддатлари ва аудит ўтказиш графигини тузиш, аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини

---

<sup>7</sup> 3-сон АФМС «Аудитни режалаштириш» Ўз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 10.11.1999 да 837-сон билан рўйхатга олинган, Ўз.Р Молия Вазирлиги томонидан 14.07.1999 да 54-сон қарори билан тасдиқланган

тузишни назарда тутиши лозим. Харажатлар бўйича аудитни режалаштириш жараёнида аудитор қуйидагиларни инобатга олиши зарур:

- харажатлар аудити учун вақт сарфи ҳисоб-китоби ва ҳақиқий меҳнат харажатлари;
- харажатлар аудити бўйича ўрганиладиган масалаларнинг аҳамиятлилик даражаси;
- аудиторларни, уларнинг малакавий даражалари ва лавозимларига мувофиқ аудит ўтказиладиган муайян бўлимларга тақсимлаш;
- аудиторлик гуруҳининг барча аъзоларига йул - йўриқ кўрсатиш, уларни миждознинг молиявий-хўжалик фаолияти билан таништириш ;
- аудиторлик амалларини бажариш билан боғлиқ методологик масалаларни тушунтириш.

Стандартга мувофиқ аудитнинг умумий режаси тузилганидан сўнг аудит дастури тузилиб, унда харажатларни текширишга доир барча аудиторлик амалларининг батафсил рўйхати баён қилиниши зарур. Дастур аудиторлар учун батафсил йўриқнома бўлиб, унда харажатларга доир бўлган бухгалтерия ҳисобининг барча бўлимларини текшириш, шунингдек ички назорат тизимини таҳлил қилиш бўйича уларнинг барча хатти-ҳаракатлари акс этирилган бўлиши лозим. Аудит дастурини тузиш юзаки бажарилмаслиги лозим, чунки у аудиторлар ишидаги таъсирчан назорат дастаги бўлиб хизмат қилади, дастурни ҳар бир бўлими бўйича аудитор хулосалари эса аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилиши лозим.

Қурилиш ташкилотларида харажатларни аудит қилишда аудитор ўз ишини шундай режалаштириши лозимки, молиявий ҳисоботни, харажатлар бўйича молиявий-хўжалик операцияларининг ишончилигини ва қонунийлигини, ҳамда улар бухгалтерия ҳисоби сўтларида акс эттирилишининг тўғрилигини ўз вақтида ва сифатли аудиторлик текширувидан ўтказилиши таъминланиши шарт.

«Тасдиқлайман»

«Комил-ишонч» аудиторлик ташкилотининг

рахбари: \_\_\_\_\_ Уразов К.Б.

«6» март 2012 й.

(сана)

**Харажатлар аудитини ўтказиш  
РЕЖАСИ**

Текшириладиган хужалик субъекти: «Севиль қурилиш транс сервис» ХКАудит даври: 2012 йил 9-15 мартАудитни ўтказишга кетадиган вақт (киши/соат): 112 киши/соатАудиторлик гуруҳининг раҳбари: Эшалиев Ш.Бажарувчи: Неъматов О.Режалаштирилган аудиторлик хатари (риск): 3,5%Режалаштирилган натижаларнинг ҳақиқийлик даражаси: 96,5%

№	Аудит жараёнида бажариладиган амаллар рўйхати	Амални бажариш даври	Бажариш учун масъуллар	Изоҳ
1	Тугалланмаган объектларнинг балансда кўрсатилган давр бошидаги қийматини бош китоб маълумотига мос келиши аниқланади	9.03.2012	<u>Эшалиев Ш.</u>	
2	2010-Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «ёрдамчм ишлаб чиқариш» ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби счётларидаги ёзувлар хужжатлар аслсида текшириб чиқилади, уларни «харажатлар таркиби тўғрисида Низом»га мувофиқлиги баҳоланади	9.03.2012	<u>Неъматов О.</u>	
3	Ишлаб чиқариш харажатлари счётларидаги маълумотларни мавжуд ҳолати ва ҳақиқатда бўлиш керак ҳолатлари аниқланади	10.03.2012	<u>Эшалиев Ш.</u> <u>Неъматов О.</u>	
4	«Келгуси давр харажатлари», 3200 «муддати узайтирилган харажатлар» счётларига олиб борилган харажатларнинг қонунийлиги ва реаллиги текширилади, ушбу счётлардаги маълумотларни мавжуд ҳолати ва ҳақиқатда бўлиш керак ҳолатлари аниқланади ва далиллар тўпланади.	11.03.2012	<u>Эшалиев Ш.</u>	
5	Бажарилган ва буюрмачига топширилган қурилиш ишлари таннархига киритилган ва киритилиши керак бўлган харажатлар моддалари бўйича текшириб чиқилади	11.03.2012	<u>Неъматов О.</u>	
6	Тугалланмаган қурилиш ишлари таннархига киритилган ва киритилиши керак бўлган харажатларнинг суммалари аниқланади	12.03.2012	<u>Эшалиев Ш.</u> <u>Неъматов О.</u>	
7	Тугатилган ва буюртмачига топширилган ишлар бўйича ҳисобланган ва ҳисобланиши керак бўлган			

	таннарх суммаси далолатномалар асосида аниқланади	13.03.2012	<u>Неъматов О.</u>	
8	Бажарилган ишлар бўйича ҳисобланган ва ҳисобланиши керак бўлган сотиш таннархи суммаси аниқланади.	13.03.2012	<u>Эшалиев Ш.</u>	
9	Бош китобда 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2510 «Умум ишлаб чиқариш харажатлари», 2710 «Хизмат қилувчи хўжаликлар» 9130 «Бажарилган қурилиш ишлари таннархи» счётларининг маълумотларининг мавжуд ҳолати ва ҳақиқатда бўлиш керак ҳолатлари аниқланади	14.03.2012	<u>Неъматов О.</u>	
10	Давр харажатлари, молиявий фаолият харажатлари ва фавкулотда зарарлар харажатлар таркиби тўғрисида Низомга мувофиқ 9410 «Сотиш харажатлари», 9420 «Бошқарув харажатлари», 9430 «Бошқа операцион харажатлар», 9440 «Келгусида солиқ базасидан чегириладиган харажатлар», 9600 «Молиявий фаолият харажатлари», 9720 «Фавкулотда зарарлар» счётларининг дебитида тўпланиб, ҳисобот даври охирида 9900 «Охирги молиявий натижа» счётига ёпилган ва ёпилиши керак бўлган маълумотлар харажатларнинг барча моддалари бўйича тасдиқловчи хужжатлар, маълумотномалар, ҳисоб-китоблар асосида текшириб чиқилади ва далиллар тўпланади.	14.03.2012	<u>Эшалиев Ш.</u>	
11	Харажатлар бўйича бош китобда очилган мос синтетик счётлар оборот ва қолдиқлари бўйича маълумотларнинг бухгалтерия балансидаги мос сатр маълумотлари билан мослиги солиштирилади.	15.03.2012	<u>Неъматов О.</u>	
12	Аудит натижалари умумлаштирилади ва аудиторлик ҳисоботи тайёрланади.	15.03.2012	<u>Эшалиев Ш.</u> <u>Неъматов О.</u>	

**Аудиторлик гуруҳи раҳбари:**

**Эшалиев Ш.**

**Аудитор:**

**Неъматов О.**

Аудитни режалаштириш кутилаётган ишлар режасини тузиш ва аудиторлик дастурини ишлаб чиқишни уз ичига олади.

Қурилиш ташкилотларида харажатлар аудити бўйича кутилаётган ишлар режасида қуйидаги кўрсаткичлар акс эттирилади:

- *харажатлар аудитини ўтказиш муддати ва ишларнинг давомийлиги;*
- *бажариладиган ишлар ҳажми;*
- *аудитор қўллайдиган усуллар ва амаллар.*

Аудитор уз режасини текшириладиган корхона раҳбарияти ва ходимлари билан муҳокама қилиши мумкин. Бу ўтказиладиган аудитнинг таъсирчанлигини ошириш ва аудиторлик амалларини корхона ходимлари фаолияти билан мувофиқлаштиришга имкон яратади.

Аудитор режани яхши ва сифатли тузиш ҳамда ишларнинг кутилаётган ҳажмини аниқ ҳисобга олиш учун энг аввало:

- аудиторлик текшируви ўтказиш шартномаси шартларини урганиши;
- ўтказиладиган аудитнинг энг муҳим масалаларини ажратиб олиши;
- махсус эътибор талаб қиладиган шартларни аниқлаши;
- текшириладиган корхона фаолиятининг предметини ҳисобга олган ҳолда янги қонунлар, низомлар, йуриқномалар ва бошқа алоқадор меъёрий ҳужжатларнинг аудитга таъсирини урганиши;
- текшириладиган корхонанинг ҳисоб тизими ва ички аудит тизимининг ишончлилиқ даражасини аниқлаш;
- ички аудиторларнинг ишларини ва уларни аудитга жалб қилиш мумкинлигини таҳлил қилиши;
- корхонанинг алоҳида балансга ажралиб чиқарилган филиаллари, ваколатхоналари, булимлари ва махсус булинмаларида аудит ўтказиш мақсадга мувофиқлигини урганиши;
- экспертларни жалб қилиш зарурлигини аниқланиши лозим.

Аудиторлар харажатларни текшириш вақтида улар томонидан бажариладиган ишларнинг ҳажми ва сифатини тасдиқлайдиган, асосий ҳужжатлардан бўлиб ҳисобланган, ишчи ҳужжатларни тузишлари лозим. Бу

хужжатлар ихтиёрий шаклда тузилиб, уларда мижоз тўғрисидаги зарур маълумотлар, бажариладиган ишларнинг батафсил баёни булиши лозим. Хусусан куйидагилар курсатилади: текширув утказиш услуги (ёппасига ёки танлаб), ёки текшириладиган хужжатларнинг хажми; текширув натижасида аниқланган камчиликлар; текширувга такдим этилмаган дастлабки ва бошқа хужжатлар рўйхати; амалдаги қонунчиликка мос келмасликлар; аниқланган камчиликларни бартараф қилиш усуллар тўғрисида аудиторнинг фикрлари; мижозининг молиявий-хўжалик фаолиятини яхшилашга қаратилган бошқа тавсиялар.

Ишчи хужжатлар аудитнинг яхши режалаштирилганлигини, тўпланган маълумотлар ишонарлилигини, аудиторлик хулосасининг амалга оширилган аудит натижаларига мувофиқлигини тасдиқлаши лозим. Зарур ҳолларда аудитор ҳақиқатан ҳам айнан шундай аудиторлик хулосаси тузиш учун етарли гувоҳликлар тупланганлигини ҳам баҳолаш зарур.

**3- жадвал**

**«Тасдиқлайман»**

«Комил-ишонч» аудиторлик ташкилотининг

раҳбари: \_\_\_\_\_ Уразов К.Б.

«6» март 2012 й.

(сана)

**Харажатлар аудитини ўтказиш**

**ДАСТУРИ**

Текшириладиган хужжалик субъекти: **«Севиля қурилиш транс сервис» ХК**

Аудит даври: **2012 йил 9- 15 март**

Аудитни ўтказишга кетадиган вақт (киши/соат): **112 киши/соат**

Аудиторлик гуруҳининг раҳбари: **Эшалиев Ш.**

Бажарувчи: **Неъматов О.**

Режалаштирилган аудиторлик хатари (риск): **3,5%**

Режалаштирилган натижаларнинг ҳақиқийлик даражаси: **96,5%**

№	Аудит жараёнида бажариладиган амаллар рўйхати	Аудитнинг ишчи хужжатлари	Текшириш усуллари
1	Тугалланмаган объектларнинг балансда кўрсатилган давр бошидаги қийматини бош китоб маълумотига мос келиши аниқланади	Бухгалтерия баланси, бош китоб	Таҳлил, индукция ва солиштириш усуллари
2	2010-Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «ёрдамчм ишлаб чиқариш» ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби счётларидаги ёзувлар хужжатлар аслсида текшириб чиқилади, уларни «харажатлар таркиби тўғрисида Низом»га мувофиқлиги баҳоланади	Бош китоб, журнал-ордерлар	Таҳлил, индукция ва солиштириш усуллари
3	Ишлаб чиқариш харажатлари счётларидаги маълумотларни	Бош китоб,	Таҳлил,

	мавжуд ҳолати ва ҳақиқатда бўлиш керак ҳолатлари аниқланади	журнал-ордерлар, бошланғич хужжатлар	индукция ва солиштириш усуллари
4	«Келгуси давр харажатлари», 3200 «муддати узайтирилган харажатлар» счётларига олиб борилган харажатларнинг қонунийлиги ва реаллиги текширилади, ушбу счётлардаги маълумотларни мавжуд ҳолати ва ҳақиқатда бўлиш керак ҳолатлари аниқланади ва далиллар тўпланади.	Бош китоб, журнал-ордерлар	Таҳлил, индукция ва солиштириш усуллари
5	Бажарилган ва буюрмачига топширилган қурилиш ишлари таннархига киритилган ва киритилиши керак бўлган харажатлар моддалари бўйича текшириб чиқилади	Бажарилган ишлар бўйича ҳисоботлар, қабул қилиш-топшириш далолатномалари.	Таҳлил, индукция ва солиштириш усуллари
6	Тугалланмаган қурилиш ишлари таннархига киритилган ва киритилиши керак бўлган харажатларнинг суммалари аниқланади	Бажарилган ишлар бўйича ҳисоботлар, бош китоб	Таҳлил, индукция ва солиштириш усуллари
7	Тугатилган ва буюртмачига топширилган ишлар бўйича ҳисобланган ва ҳисобланиши керак бўлган таннарх суммаси далолатномалар асосида аниқланади	Бош китоб, қабул қилиш-топшириш далолатномалари.	Таҳлил, индукция ва солиштириш усуллари
8	Бажарилган ишлар бўйича ҳисобланган ва ҳисобланиши керак бўлган сотиш таннархи суммаси аниқланади.	Бош китоб, қабул қилиш-топшириш далолатномалари.	Таҳлил, индукция ва солиштириш усуллари
9	Бош китобда 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2510 «Умум ишлаб чиқариш харажатлари», 2710 «Хизмат қилувчи хўжаликлар» 9130 «Бажарилган қурилиш ишлари таннархи» счётларининг маълумотларининг мавжуд ҳолати ва ҳақиқатда бўлиш керак ҳолатлари аниқланади	Бош китоб, журнал-ордерлар, бошланғич хужжатлар	Таҳлил, индукция ва солиштириш усуллари
10	Давр харажатлари, молиявий фаолият харажатлари ва фавқулотда зарарлар харажатлар таркиби тўғрисида Низомга мувофиқ 9410 «Сотиш харажатлари», 9420 «Бошқарув харажатлари», 9430 «Бошқа операцион харажатлар», 9440 «Келгусида солиқ базасидан чегириладиган харажатлар», 9600 «Молиявий фаолият харажатлари», 9720 «Фавқулотда зарарлар» счётларининг дебитида тўпланиб, ҳисобот даври охирида 9900 «Охириги молиявий натижа» счётига ёпилган ва ёпилиши керак бўлган маълумотлар харажатларнинг барча моддалари бўйича тасдиқловчи хужжатлар, маълумотномалар, ҳисоб-китоблар асосида текшириб чиқилади ва далиллар тўпланади.	Бош китоб, журнал-ордерлар, бошланғич хужжатлар	Таҳлил, индукция ва солиштириш усуллари
11	Харажатлар бўйича бош китобда очилган мос синтетик счётлар оборот ва қолдиқлари бўйича маълумотларнинг бухгалтерия балансидаги мос сатр маълумотлари билан мослиги солиштирилади.	Бош китоб, журнал-ордерлар, бошланғич хужжатлар	Таҳлил, индукция ва солиштириш усуллари
12	Аудит натижалари умумлаштирилади ва аудиторлик ҳисоботи тайёрланади.	Аудиторнинг ишчи хужжатлари	Таҳлил, умумлаштириш усуллари

## 2.2 Қурилиш ташкилотларида бажарилган ишлар таннархига киритиладиган харажатлар аудити

Қурилиш ташкилотларида пудрат шартномаларига кўра бажарилаётган қурилиш ишлари уларнинг асосий ишлаб чиқаришини ташкил қилади. Ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар эса бажарилган қурилиш ишларининг таннархини ташкил этади.

Қурилиш ишлари таннархига кирадиган харажатларнинг таснифи, гуруҳлари ва аниқ моддаларининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқиш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом»га мувофиқ бўлиши лозим.

Ушбу низомга кўра қурилиш ишлари таннархига кирадиган асосий ишлаб чиқариш харажатлари бевосита ва билвосита (устама) харажатларга бўлинади. Ушбу турдаги харажатлар иқтисодий моҳиятига кўра бешта гуруҳга ажратилади ва уларнинг таркибига қуйидаги харажат моддалари киритилади:

- Бевосита материал харажатлари
- Бевосита меҳнат ҳақи харажатлари
- Бевосита меҳнат ҳақи фондидан ижтимоий суғуртага ажратмалар
- Амортизация ажратмалар
- Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари

4-жадвал

### Қурилиш ташкилотларида бажарилган ишлар таннархига кирувчи асосий ишлаб чиқариш харажатлари

Харажат гуруҳи	Харажат моддалари	Бошланғич ҳужжатлар ва ҳисоб регистрлари
Бевосита материал Харажатлари	.Қурилиш ишларига бевосита сарфланган қурилиш материаллари, ярим фабрикатлар ва буюмлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари, хўжалик инвентарлари ва бошқа материаллар	<ul style="list-style-type: none"><li>• Материал ҳисоботи (М-19)</li><li>• Материал сарфи ҳисоботи (М-29)</li><li>• 10-с журнал-ордер</li></ul>
Бевосита меҳнат ҳақи харажатлари	Қурилиш ишларини бевосита олиб борган қурилиш бригадалари аъзоларига	<ul style="list-style-type: none"><li>• Нарядлар</li></ul>

	ҳисобланган асосий иш ҳақи ва мукофатлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Табеллар</li> <li>• Ҳисоб-тўлов қайдномалари</li> <li>• 10-с журнал-ордер</li> </ul>
Бевосита меҳнат ҳақи фондида ижтимоий суғуртага ажратмалар	Қурилиш ишларини бевосита олиб борган қурилиш бригада аъзолари иш ҳақи фондида ижтимоий суғуртага ажратмалар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ижтимоий суғуртага ажратма ҳисоб-китоби</li> <li>10-с журнал-ордер</li> </ul>
Амортизация ажратмалари	Қурилиш ишларини олиб боришда бевосита иштирок этган асосий воситалар, номоддий активлар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Амортизация ҳисоб-китоби</li> <li>• 10-журнал-ордер</li> </ul>
Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари (билвосита устама харажатлар)	<p>1. Асосий ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган материаллар қийматидаги фарқлар</p> <p>2. Асосий ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган турли хизматлар (лойиҳалаштириш, сертификатлаш ва транспорт хизматлари, газ, сув ва электр қуввати билан таъминлаш, таъмирлаш ва бошқа хизматлар)</p> <p>3. Асосий ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган меъёрдаги йўқотишлар</p> <p>4. Асосий ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган ёрдамчи ишлаб чиқариш ва умумишлаб чиқариш харажатлари</p> <p>5. Асосий ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқарилган келгуси давр харажатлари</p> <p>6. Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Счёт-фактуралар</li> <li>• Далолатномалар</li> <li>• Бухгалтерия ҳисоб-китоблари</li> <li>• 10-с журнал-ордер</li> <li>• Бошқа ҳужжатлар ва регистрлар</li> </ul>

Қурилиш ташкилотларида асосий ишлаб чиқариш харажатларинг аудити 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти орқали амалга оширилади. Ушбу счёт доирасида ҳар бир қурилиш объекти харажатлари ҳисоби учун алоҳида аналитик счётлар очилган бўлади.

Қурилиш ташкилотларида бажарилган ишлар таннархига кирувчи харажатлар аудитини тадқиқотимиз объекти ҳисобланмиш «Севиль қурилиш транс сервис» хусусий корхонаси мисолида кўриб чиқамиз. Корхона 2012 йил 3 апрелдаги 685-сон шарномага асосан «Сайқал тайёрлов» МЧЖ омборхона биносининг том қисмини таъмирлаш ва ёпиш ишларини бажарган ва бажарилган ишларнинг бир қисми қабул қилиш–топшириш далолатномаси асосида буюртмачига топширилган.

**«Севиль қурилиш транс сервис» ХК томонидан «Сайқал тайёрлов»  
МЧЖ бўйича 2012 йилда бажарилган ишлар**

№	Ишнинг номланиши	Ўлчов бирл. кв. м	Ишнинг ҳажми	Жорий баҳоларда ишнинг қиймати (минг сум)		Жорий йилда ҳақиқатда бажарилган		
				Жами	Шундан, жорий йилда	Ҳажми	Ишнинг жами ҳажмига нисбатан % да	Бажарилган ишнинг жорий баҳолардаги қиймати (минг сўм)
1	Эски том қопламаларини тозалаш	100	44,62	6246,5	6246,5	1,4	65,8	585,8
2	Томни 15 мм лик цементли стяжка билан қоплаш	100	6,25	2860,8	2860,8	-	-	-
3	Томни 1 мм лик кумли стяжка билан қоплаш	100	6,25	1499,1	1499,1	-	-	-
4	Томни битумли полимер изоляциялаш	100	44,62	122526,8	122526,8	42,39	96	87189
5	Томни фальга билан қоплаш	100	44,62	98703,6	98703,6	42,39	96,1	82862,5
6	Томни сторопилали тунука билан қоплаш	100	2,13	4082,5	4082,5	-	-	-
<b>Жами</b>				<b>235919,3</b>	<b>235919,3</b>			<b>170637</b>

Ушбу бажарилган қурилиш ишларининг таннархи 153571,6 минг сўмни ташкил этган ва 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётида қуйидагича акс эттирилган.

## 6-жадвал

**2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти  
2012 йил январь-декабрь ойлари учун  
Аналитик сёт - «Сайқал тайёрлов» МЧЖ**

Дебет				Кредит			
№	Операция мазмуни (харажат моддаси)	Корр. Сёт	Сумма	№	Операция мазмуни	Корр. сёт	Сумма
<b>Бош қолдиқ</b>			<b>0</b>	7	<b>Топширилган қурилиш ишининг таннархи</b>	<b>9130</b>	<b>153571600</b>
1	Материал сарфи	1050	142675440				
2	Иш ҳақи	6710	11820000				
3	Ижтимоий суғурта	6520	2955000				
4	Амортизация	0200	220700				
<b>Жами</b>			<b>157671140</b>	<b>Жами</b>			<b>153571600</b>
<b>Охири қолдиқ</b>			<b>4099540</b>				

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» сётининг дебетида қурилиш ишларининг ой бошига ва охирига

бўлган қолдиғи, яъни тугалланмаган қурилиш қиймати (таннархи), ой мобайнида қурилиш ишларига кетган ҳақиқий сарф-харажатлар кўрсатилади. Ушбу счётининг кредитида буюртмачиларга топширилган қурилиш ишларининг таннархи (сотиш таннархи) акс этирилади. Тадқиқот объектими бўйича олиб қарайдиган бўлсак, йил бошида тугалланмаган қурилиш мавжуд бўлмаган, йил мобайнида бажарилган ишлар таннархи 153571,6 минг сўмни, йил охирида тугалланмаган қурилиш таннархи 4099,5 минг сўмни ташкил этган.

Қурилиш ишлари буюртмачиларга босқичма-босқич топширилган ҳолларда қурилиш ташкилотларида ҳисобот даври охирига тўғри келадиган тугалланмаган қурилиш таннархи (4099,5) инвентаризация йўли билан аниқланади. Инвентаризация қайдномасида кўрсатилган тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати (таннархи) 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётига очилган аналитик счёти (қурилиш объекти)да ҳисобот даври охиридаги қолдиқ сифатида кўрсатилади. Бу ҳолда буюртмачиларга топширилган ишлар босқичининг ҳақиқий таннархи (сотиш таннархи) объект учун очилган 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг бош қолдиғига унинг дебет оборот суммасини қўшиш ҳамда ҳисобот даври охирига кўрсатилган қолдиқни айириш йўли билан топилади.

Асосий ишлаб чиқариш харажатлари синтетик ва аналитик ҳисобининг асосий регистри бўлиб 10-с журнал-ордер ҳисобланади. Ушбу журнал-ордер ҳар бир қурилиш объекти (аналитик счёти) бўйича очилади. Шунингдек, қурилиш ташкилоти бухгалтерияси барча олиб борилган қурилиш ишлари харажатлари тўғрисидаги маълумотларини жамлаш учун йиғма 10-с журнал-ордерни ҳам юритади.

Қурилиш ташкилотларида ёрдамчи ишлаб чиқариш деганда қурилиш ишларининг олиб борилишида бевосита ва билвосита иштирок этадиган ёрдамчи ҳамда хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш бўлинмаларининг фаолияти тушунилади. Уларга, чунончи, қуйидагилар киради:

(1) қурилиш материаллари, деталлари, конструкция ва мосламаларини тайёрлаш цехлари (ёғоч материаллар, темир-терсақлар, бетон, ғишт плиталари, гранит тошлар, битум, асфальт ва шу каби бошқа материалларга ишлов бериш цехлари ёки устахоналари);

(2) энергиянинг турли хиллари (электр энергияси, буғ ва бошқалар) билан таъминлаш бўйича хизматларни кўрсатувчи бўлинмалар;

(3) транспорт хизматларини кўрсатувчи бўлинмалар (автохўжалик, гараж, устахоналар);

(4) таъмирлаш ишларини олиб боровчи бўлинмалар;

(5) қурилиш ишларини лойихалаштириш, тажриба конструкторлик ишларини олиб боровчи бўлинмалар.

(6) қурилиш ишлари билан банд ходимларга маиший, тиббий, санитария-гигиена, оақатланишни ташкил қилиш бўйича хизматларни кўрсатиш бўлинмалари.

Қурилиш ташкилотлари ўзларининг ҳисоб сиёсатида белгиланган тартибга мувофиқ умумишлаб чиқариш характериға эға бўлган харажатлар ҳисобини 2500 «Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобға олувчи счётлар» тизимидаа алоҳида олиб боришлари мумкин. Ушбу счётлар тизимида очиладиган махсус счётларда, чунончи, қуйидаги харажатлар акс эттирилади:

а) қурилиш машиналари ва усқуналарини сақлаш ҳамда уларни эксплуатация қилиш харажатлари;

б) ишлаб чиқаришға тааллуқли бўлган асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизация ажратмалари;

б) ишлаб чиқарига доир асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;

в) ишлаб чиқаришдаги мол-мулкни суғурталаш харажатлари;

г) ишлаб чиқариш биноларини иситиш, ёритиш ва сақлаш харажатлари;

д) ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиладиган мол-мулкни ижараға олиш харажатлари;

е) ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишда банд бўлган ишлаб чиқариш ходимларига ҳисобланган меҳнат ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар;

ж) умумишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Қурилиш ташкилотларида бажарилган қурилиш ишлари таннархига киритилган харажатлар аудити қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- тугалланмаган объектларнинг балансда кўрсатилган давр бошидаги қийматини бош китоб маълумотига мос келиши аниқланади

- 2010-Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби счётларидаги ёзувлар ҳужжатлар асосида текшириб чиқилади, уларни «харажатлар таркиби тўғрисида Низом»га мувофиқлиги баҳоланади

- ишлаб чиқариш харажатлари счётларидаги маълумотларни мавжуд ҳолати ва ҳақиқатда бўлиш керак ҳолатлари аниқланади

- бажарилган ва буюрмачига топширилган ишлар таннархига киритилган ва киритилиши керак бўлган харажатлар моддалари бўйича текшириб чиқилади

- тугалланмаган ишлаб чиқаришда қолган ишлар таннархига киритилган ва киритилиши керак бўлган харажатларнинг суммалари аниқланади

- сотилган ва буюртмачига топширилган ишлар бўйича ҳисобланган ва ҳисобланиши керак бўлган таннарх суммаси далолатномалар асосида аниқланади

- бажарилган ишлар бўйича ҳисобланган ва ҳисобланиши керак бўлган сотиш таннархи суммаси аниқланади.

- қурилиш ишлари тугалланмаган қолдиғининг таннархи корхона ва текширув маълумотлари бўйича топилади

- бош китобда 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2510 «Умум ишлаб чиқариш харажатлари, 2710 «Хизмат қилувчи

хўжаликлар» 9130 «Бажарилган ишлар таннари» счётиларининг  
маълумотларининг мавжуд ҳолати ва ҳақиқатда бўлиш керак ҳолатлари  
аниқланади

- четланишлар бўйича далиллар тўпланади

### **2.3 Қурилиш ташкилотларида давр ва молиявий фаолиятга доир харажатларнинг аудити**

Қурилиш ташкилотларида давр харажатларига бажарилган қурилиш ишларини сотишга, корхонани маъмурий-бошқарувга ва бошқа операцион фаолиятга доир харажатлар киради. Ушбу харажатлар маълум ҳисобот даврида юз беради, шунинг учун улар ҳисобот даври харажатлари деб ҳам аталади.

Қурилиш ташкилотларида давр харажатлари қуйидаги синтетик счёт маълумотларини бош китоб ва уларни юз беришига асос бўлган бошланғич ҳужжатларни текшириш орқали аудит қилинади.

9410 “Сотиш харажатлари”- ушбу актив, вақтинчалик (транзит) счётнинг дебетида йил мобайнида сотишга доир харажатлар (реклама харажатлари, сотиш билан боғлиқ ходимларнинг иш ҳақи, ижтимоий суғуртага ажратмалар, амортизация харажатлари, трансортировка ва бошқа шу каби сотиш билан боғлиқ харажатлар) акс эттирилади. Ушбу счётда акс эттириладиган харажатларнинг аниқ турлари ва таркиби «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»нинг «Сотиш харажатлари» номли бўлимида тўлиғича келтирилган.

9420 “Маъмурий-бошқарув харажатлари” - ушбу актив, вақтинчалик (транзит) счётнинг дебетида йил мобайнида бошқарувга доир харажатлар (иш ҳақи, ижтимоий суғуртага ажратмалар, амортизация харажатлари, сафар харажатлари, телефон алоқаси ва бошқа шу каби бошқарув билан боғлиқ харажатлар) акс эттирилади. Ушбу счётда акс эттириладиган харажатларнинг аниқ турлари ва таркиби «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»нинг «Маъмурий –бошқарув харажатлари» номли бўлимида тўлиғича келтирилган.

9430 “Бошқа операцион харажатлар” - ушбу актив, вақтинчалик (транзит) счётнинг дебетида йил мобайнида сотиш ва бошқарувдан ташқари

умум фаолиятга доир давр харажатлари (моддий ёрдам, компенсациялар, мол-мулк, экология, ер, сув ва бошқа давр харажатларига олиб бориладиган солиқлар, песия фондига ва йўл фондига мажбурий ажратмалар, мулкни сотишдан ва беришдан кўрилган зарарлар ва бошқа шу каби операцион харажатлар) акс эттирилади. Ушбу счётда акс эттириладиган харажатларнинг аниқ турлари ва таркиби «Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»нинг «Бошқа операцион харажатлар» номли бўлимида тўлиғича келтирилган.

9440 “Келгусида солиқ базасидан чегириладиган ҳисобот давр харажатлари”- ушбу актив, вақтинчалик (транзит) счётнинг дебетида йил мабойнида корхонани келгуси фаолиятини ривожлантиришга сарфланган давр харажатлари (янги ишлаб чиқаришни ва янги технологияларни ўзлаштиришга, бошқарув тизимини яхшилашга сарфланган ва бошқа шу каби операцион харажатлар) акс эттирилади. Ушбу счётда акс эттириладиган харажатларнинг аниқ турлари ва таркиби «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»нинг «Келгусида солиқ базасидан чегириладиган ҳисобот давр харажатлари» номли 2- иловасида тўлиғича келтирилган. Ушбу турдаги давр харажатлари солиқ қонунчилигига кўра келгуси 10 йил ичида бир маромда солиқ базасидан махсус ҳисоб-китоб асосида чиқариб борилади.

Қурилиш ташкилотларида молиявий фаолиятга доир харажатлар деганда, қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш, валюта операциялари, кредит ва қарзларни олиш, узоқ муддатли ижарага доир ва бошқа молиявий фаолиятга тааллуқли харажатлар тушунилади. Буларга фоизлар, салбий курс фарқлари кўринишидаги харажатлар ва бошқалар кирази. Бундай турдаги харажатлар куйидаги синтетик счёт маълумотларини бош китоб ва уларни юз беришига асос бўлган бошланғич ҳужжатларни текшириш орқали аудит қилинади.

9610 “Фоиз кўринишидаги харажатлари”- ушбу актив, вақтинчалик (транзит) счётининг дебитида йил мабойнида олинган қарзлар ва кредитларга доир ҳисобланган харажатлар, шунингдек узоқ муддатли ижара учун тўловлар акс эттирилади.

9620 “Валюта курс фарқларидан кўрилган зарарлар”- ушбу актив, вақтинчалик (транзит) счётининг дебитида йил мабойнида баланснинг валюта моддаларини ифодаловчи счётларга доир операциялар бўйича курслар ўртасидаги салбий фарқлардан кўрилган зарарлар акс эттирилади.

9630 “Қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш бўйича харажатлар” - ушбу актив, вақтинчалик (транзит) счётининг дебитида йил мабойнида акция ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади.

9690 “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар”- ушбу актив, вақтинчалик (транзит) счётининг дебитида йил мабойнида корхонанинг молиявий фаолиятга доир бошқа харажатлари, масалан молиявий инвестицияларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар ва бошқа харажатлар акс эттирилади.

## Хулоса ва таклифлар

Курс ишини бажариш давомида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Мамлакатимизда барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда қурилиш тармоғи муҳим ўрин тутди. Чунончи, ушбу тармоқ халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларига киритишга мўлжалланган инвестицияларни ҳақиқатда рўёбга чиқаришда бевосита иштирок этади.

2. Қурилиш тармоғи халқ хўжалигининг бошқа тармоқ ва соҳаларидан турли жиҳатлари бўйича фарқ қилади. Ушбу фарқли жиҳатлар уларни бошқариш учун керакли бўлган ахборотларни йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш, жамлаш ва узатиш воситаси бўлган бухгалтерия ҳисобига ҳам ўз таъсирини ўтказиши табиий ҳол. Бундай фарқли жиҳатларни уларнинг харажатларида ҳам кўриш мумкин.

3. Қурилиш ташкилотлари иқтисодиётнинг муҳим тармоғи қуйи бўғинини ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланган халқ хўжалиги тармоқлари классификаторига мувофиқ қурилиш ташкилотларининг алоҳида турларига 60000 дан 690000 гача бўлган тармоқ кодлари ажратилган.

4. Қуришга тайёргарлик ва унинг таъминот жараёни буюртмачи ва пудратчи томонидан амалга ошириладиган маълум ишлардан ташкил топади.

5. Объектни қуриш жараёни қурилишнинг титул рўйхатида кўрсатилган ишларни босқичма-босқич лойиҳани бажариш жадвалига (графикига) мувофиқ амалга оширишдан иборат бўлади. Қурилиш объектларининг битказилган, лекин буюртмачига ҳали топширилмаган қисми тугалланмаган ишлаб чиқариш (қурилиш ишлари) ҳисобланади.

6. Қурилган объектни фойдаланишга топшириш қурилишнинг якуний жараёнидир. Бу жараён қурилишга доир лойиҳадаги барча ишлар тугатилгач, тузилган махсус комиссия томонидан амалга оширилади ва мос равишда

«Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» билан расмийлаштирилади. Ушбу хужжат имзоланган ва тасдиқлангандан сўнг қурилган объект пудратчи учун бажарилган (сотилган) иш, деб ҳисобланади.

7. Жихозларни ўрнатиш ишлари деганда жихозлар, ускуналар ва бошқа конструкцияларни йиғиш, ўрнатиш ва фойдаланишга тушириш билан боғлиқ ишлар мажмуаси тушунилади. Чунончи, бино ва иншоатларни қуришда бажариладиган жихозларни ўрнатиш ишлари таркибига кўтариш-тушириш қурилмалари (лифт, эскалатор ва бошқалар)ни, иситиш, совутиш, ёритиш, сув бериш, хавони алмаштириш, санитария-гигиена техникаси қурилмаларини ўрнатиш, йиғиш, ўтказиш, изоляция қилиш ва шу каби бошқа ишлар киритилади.

8. Кенгайтириш деганда пудрат шартномасига кўра буюртмачиларнинг ҳаракатдаги бино ва иншоатларига қўшимча ишлаб чиқариш объектларини қуриш, асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи цехларнинг майдончаларини ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида кенгайтириш билан боғлиқ ишлар тушунилади.

9. Реконструкция деганда пудрат шартномасига кўра буюртмачиларнинг ҳаракатдаги асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи объектларини дастлабки ҳолатини кенгайтирмасдан қайта ўзгартириб чиқиш тушунилади.

10. Ободонлаштириш деганда пудрат шартномасига кўра буюртмачиларга уларда фойдаланишда бўлган ер майдончаларининг кўринишини яхшилаш, ер ости ўтказмаларини қуриш, транспорт воситаларини тўхтаб туриш жойларини ташкил қилиш, ер майдончаларини темир панжаралар билан ўраш, юриш йўлқаларини қуриш каби ишлар тушунилади.

11. Харажатлар қурилиш ташкилотлари молиявий – хўжалик фаолияти аудитининг муҳим объектларидан бири ҳисобланади.

12. Қурилиш ташкилотларида харажатлар аудитининг асосий мақсади – молиявий ҳисоботда харажатларга доир ахборотларнинг ишончлилиги

тўғрисида фикрни шакллантириш ҳамда қурилиш ташкилотларида харажатлар билан боғлиқ операцияларни ҳисобга олиш ва солиққа тортиш методикасини ташкил этишнинг Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлигини текширишдан иборат.

13. Қурилиш ташкилотларида харажатлар аудити деганда корхоналарда юз берган харажатлар билан боғлиқ жараёнлар ва бу жараёнларни акс эттирувчи маълумот манбаларини давлат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатлари нуктаи назаридан қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мос келишини ички ва ташқи назоратдан ўтқизиш, таҳлил ва экспертиза қилиш, шунингдек харажатлар ҳисобини ташкил этиш ва ҳужжатлаштириш борасида консалтинг ва бошқа турдаги касбий хизматларни кўрсатиш тизими тушунилади.

14. Харажатлар аудити кенг қамровли жараён ҳисобланиб, қўйилган мақсадга қаратилган бир қатор вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган. Ушбу

15. Қурилиш ташкилотларида харажатлар аудитининг самарадорлиги энг аввало, ушбу жараён бўйича қилинадиган ишларнинг тўғри режалаштирилиши ва кетма-кет амалга оширилишига боғлиқ. Аудитни

16. Қурилиш ташкилотларида пудрат шартномаларига кўра бажарилаётган қурилиш ишлари уларнинг асосий ишлаб чиқаришини ташкил қилади. Ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар эса бажарилган қурилиш ишларининг таннархини ташкил этади.

17. Қурилиш ташкилотларида асосий ишлаб чиқариш харажатларинг аудити 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти орқали амалга оширилади.

18. Қурилиш ташкилотларида бажарилган қурилиш ишлари таннархига киритиладиган харажатлар аудити қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- тугалланмаган объектларнинг балансда кўрсатилган давр бошидаги қийматини бош китоб маълумотига мос келиши аниқланади

- 2010-Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби счётларидаги ёзувлар ҳужжатлар асосида текшириб чиқилади, уларни «харажатлар таркиби тўғрисида Низом»га мувофиқлиги баҳоланади

- ишлаб чиқариш харажатлари счётларидаги маълумотларни мавжуд ҳолати ва ҳақиқатда бўлиш керак ҳолатлари аниқланади

- бажарилган ва буюрмачига топширилган ишлар таннархига киритилган ва киритилиши керак бўлган харажатлар моддалари бўйича текшириб чиқилади

- тугалланмаган ишлаб чиқаришда қолган ишлар таннархига киритилган ва киритилиши керак бўлган харажатларнинг суммалари аниқланади

- сотилган ва буюртмачига топширилган ишлар бўйича ҳисобланган ва ҳисобланиши керак бўлган таннарх суммаси далолатномалар асосида аниқланади

- бажарилган ишлар бўйича ҳисобланган ва ҳисобланиши керак бўлган сотиш таннархи суммаси аниқланади.

- қурилиш ишлари тугалланмаган қолдиғининг таннархи корхона ва текширув маълумотлари бўйича топилади

- бош китобда 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2510 «Умум ишлаб чиқариш харажатлари, 2710 «Хизмат қилувчи хўжаликлар» 9130 «Бажарилган ишлар таннархи» счётларининг маълумотларининг мавжуд ҳолати ва ҳақиқатда бўлиш керак ҳолатлари аниқланади

- четланишлар бўйича далиллар тўпланади

19. Қурилиш ташкилотларида давр харажатлари қуйидаги синтетик счёт маълумотларини бош китоб ва уларни юз беришига асос бўлган бошланғич ҳужжатларни текшириш орқали аудит қилинади.

20. Қурилиш ташкилотларида давр харажатларига бажарилган қурилиш ишларини сотишга, корхонани маъмурий-бошқарувига ва бошқа операцион фаолиятига доир харажатлар киради. Ушбу харажатлар маълум ҳисобот даврида юз беради, шунинг учун улар ҳисобот даври харажатлари деб ҳам аталади.

21. Қурилиш ташкилотларида молиявий фаолиятга доир харажатлар деганда, қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш, валюта операциялари, кредит ва қарзларни олиш, узоқ муддатли ижарага доир ва бошқа молиявий фаолиятга тааллуқли харажатлар тушунилади. Буларга фоизлар, салбий курс фарқлари кўринишидаги харажатлар ва бошқалар киради. Бундай турдаги харажатлар куйидаги синтетик счёт маълумотларини бош китоб ва уларни юз беришига асос бўлган бошланғич ҳужжатларни текшириш орқали аудит қилинади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.:Ўзбекистон,1993
2. И.А.Каримов. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш.-Т.:”Ўзбекистон”-2010.
3. Ўз.Р солиқ Кодекси.-Т.: “Адолат” 2008.
4. Ўз.Р “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” қонуни.1996 йил 30 августда қабул қилинган.
5. Ўз.Р “Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги” қонуни. 2000 йил 26 майда қабул қилинган.
6. Ўз.Р ВМнинг 05.02.1999 й. 54-сон “Маҳсулот (иш,хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”.
7. ЎзР МВ нинг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи “Молиявий ҳисобот шакллари тўғрисидаги қоидалари”.
8. Ўз.Р МВнинг буйруғи 23.12.2003 й. 131-сон “Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги Низом”. ЎзР Адлия Вазирлиги тамонидан 2004 йил 14 январда №1297 билан рўйхатга олинган.
9. БҲМС № 0 “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос.
- 10.БҲМС № 1 “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”.
- 11.БҲМС № 2 “Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар”.
- 12.БҲМС № 3 “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”.
- 13.БҲМС №12 “Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш”
- 14.БҲМС № 17 “Капитал курилишга оид пудрат шартномаси”.
- 15.БҲМС № 19 “Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш”.
- 16.БҲМС № 21 “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома”.
- 17.БҲМС № 22 “Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби”.
- 18.АФМС № 3 “Аудитни режалаштириш”.ЎзР Адлия Вазирлиги тамонидан 1999 йил 10 ноябрда №837 билан рўйхатга олинган.
- 19.АФМС №5 “Аудитор иши сифатини назорат қилиш”. ЎзР Адлия Вазирлиги тамонидан 1999 йил 03 сентябрда №811 билан рўйхатга олинган.
- 20.АФМС № 6 “Аудитни ҳужжатлаштириш”. ЎзР Адлия Вазирлиги тамонидан 1999 йил 03 сентябрда №812 билан рўйхатга олинган.
- 21.АФМС № 9 ”Муҳимлилик ва аудиторлик rischi”. ЎзР Адлия Вазирлиги тамонидан 1999 йил 03 сентябрда №813 билан рўйхатга олинган.
- 22.АФМС №10 “Молиявий ҳисобот таркибидаги бошқамаяълумотлар”. ЎзР Адлия Вазирлиги тамонидан 1999 йил 23 сентябрда №822 билан рўйхатга олинган.

- 23.АФМС №11 “Компьютерда ишланган маълумотларнинг аудити”. ЎзР Адлия Вазирлиги тамонидан 1999 йил 3 сентябрда №823 билан рўйхатга олинган.
24. АФМС №12 “Аудиторлик текшируви жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш”. ЎзР Адлия Вазирлиги тамонидан билан рўйхатга олинган.
- 25.АФМС № 13 “Таҳлилий амаллар”. ЎзР Адлия Вазирлиги тамонидан 1999 йил 03 сентябрда №814 билан рўйхатга олинган.
- 26.АФМС № 14 “Аудиторлик танлаш”. ЎзР Адлия Вазирлиги тамонидан 1999 йил 03 сентябрда №154 билан рўйхатга олинган.
- 27.АФМС № 16 “Эксперт ишидан фойдаланиш”. ЎзР Адлия Вазирлиги тамонидан 1999 йил 03 сентябрда №816 билан рўйхатга олинган.
28. АФМС №24 “Молиявий ҳисоботнинг бузиб кўрсатилганда аудиторлик ташкилотининг иш туриши”. ЎзР Адлия Вазирлиги тамонидан 2001 йил 30 июнда №1045 билан рўйхатга олинган.
- 29.АФМС № 25 “Аудиторлик текширувини ўтказишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини текшириш”. ЎзР Адлия Вазирлиги тамонидан 2003 йил 28 февралда № 1223 билан рўйхатга олинган.
- 30.АФМС № 31 “Хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан танишиш”. ЎзР Адлия Вазирлиги тамонидан 2001 21 июнда №1043 билан рўйхатга олинган.
- 31.АФМС №50 "Аудиторлик далиллари".ЎзР Адлия Вазирлиги тамонидан 2002 йил 18 апрелда №1128 билан рўйхатга олинган.
- 32.АФМС №55 "Ўзаро боғлиқ шахслар ўртаси-даги битимлар бўйича аудитор-лик далилларини олиш таомиллари".ЎзР Адлия Вазирлиги тамонидан 2003 йил 3 мартда №1224 билан рўйхатга олинган.
- 33.АФМС №56 “Молиявий ҳисобот тузилган санадан кейинги ҳодисалар”. ЎзР Адлия Вазирлиги тамонидан 2003 йил 23 апрелда № 12 билан рўйхатга олинган.
- 34.АФМС №60 “Бошқа аудитор иши натижаларидан фойдаланиш”. ЎзР Адлия Вазирлиги тамонидан 2003 йил 20 февралда №1221 билан рўйхатга олинган.
- 35.АФМС № 70 “Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик хулосаси”. ЎзР Адлия Вазирлиги тамонидан 2001 йил 10 мартда №1016 билан рўйхатга олинган.
- 36.АФМС №80 “Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи”. ЎзР Адлия Вазирлиги тамонидан 2003 йил 19 февралда №1220 билан рўйхатга олинган.
- 37.Аспирант Аннаев М.Б.,СамИСИ.Даромадларни ҳисобга олишга асос бўлувчи мезонлар ва тамойиллар.2009.
- 38.Urazov K.B. Buxgalteriya hisobi va audit. Oliy o'quv yurtlari uchun.-T.: “O'qituvchi”, 2004.
- 39.Ўразов К.Б. Қурилиш ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари.Маъруза матни.Самарқанд-2007.

40. Дўстмурадов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. 2003.
41. Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Дарслик.-Т.:”Молия”. 2003
42. Б.А. Абдукаримов, А.Н. Жабриев ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти 2005.
43. С.Н. Ташназаров. Халқаро ҳисоб асослари. Маъруза матнлари тўплами. Самарқанд-2008.
44. А.Т. Тайиров «Тижорат банкларида касса операцияларини юритиш» Самарқанд 2008
45. А.Т. Тайиров «Суд бухгалтерия экспертизаси» Самарқанд 2008
46. А.Т. Тайиров «Назорат ва тафтиш» СамИСИ 2005
47. М.Қ. Пардаев. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик.-Сам.:”Зарфшон” нашриёти, 2001.
48. А.В. Ваҳобов, А.Т. Иброҳимов, Н.Ф. Ишонқулов. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик.-Т.:”Шарқ” нашриёти, 2005.
49. А.Т. Тайиров «Банкларда аудитни ташкил этиш» мақола СамИСИ, 2012